



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

2024 йил 14 январь, № 10 (8633)

Якшанба

Сайтимида ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 32 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!
Мухтарам Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Қадри ватандошлар!
Сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сана — Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 32 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунининг билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Халқимиз сизлар каби мард ва жасур ҳарбийларимиз тимсолида Ватанимизни ҳимоя қилишдек дунёдаги энг улғу ишни шараф билан адо этиб, Жалолоддин Мангуберди, Амир Темури, Бобур Мирзо сингари буюк аждодларимизнинг шонли анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган она юртимизнинг чинакам қалқонларини кўради.

Мана шу кутлуг айёмда барчамиз сизларнинг метин иродангиз, жанговар руҳингиз ва шиддатингизга қараб, Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти, сарҳадларимиз дахлсизлиги мустаҳкам ишончли қўлларда эканини янада чуқур ҳис этмоқдамиз.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида эришаётган барча ютуқ ва марраларимизда Қуролли Кучларимиз ва уларнинг сафларида ўз вазифасини сидқидилдан адо этаётган

минг-минглаб ҳарбийларимизнинг муносиб ҳиссаси бор, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Халқимизнинг асл ўғлонларига хос фаилатлар улуғнадиган мана шу унутилмас лаҳзаларда Ватан олдидаги бурчини бажариш чоғида қахрамонларча ҳалок бўлган ботир жангчиларимизни ёд этиб, уларнинг ўлмас хотираси олдида таъзим қиламиз.

Ишончим комил, улар ўзларининг жасорати ва ўчмас номлари билан эл-юртимиз қалбида ҳамisha барҳаёт яшайди, жанговар сафларда уларнинг ўрни, азиз хотираси ҳеч қачон йўқолмайди.

Мухтарам юртдошлар!
Кейинги йилларда “Халқ ва армия — бир тану бир жондир” деган эзгу гоя асосида Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини ошириш, ҳарбий курилиш соҳасини тубдан модернизация қилиш бўйича олиб бораётган ислохотларимиз натижасида миллий армиямизда чуқур сифат ўзгаришлари юз бермоқда, унинг сафларида хизмат қилиш том маънода шон-шараф ишига айлиниб бормоқда.

Бу борада, айниқса, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган ишларимиз муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бугунги кунда ҳарбий хизматчиларимизнинг профессионал маҳорати ва обрў-этибори жаҳон миқёсида ҳам юксалиб бормоқда. Буни мамлакатимиз

Қуролли Кучлари вакилларининг нуфузли халқро ҳарбий мусобақаларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келаётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ҳам комплекс чоратadbirlar амалга оширилмоқда.

Ана шундай сазй-ҳаракатларимиз ҳамда Миллий армиямиз ва халқимизнинг фаол ҳамкорлиги туфайли Қуролли Кучларимиз мамлакатимиз тараққиёти, тинчлиги ва барқарорлигининг ишончли кафолатига, чинакам жасорат ва матонат мактабига айланмоқда, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Қадри дўстлар!
Дунё миқёсидаги ҳозирги ўта мураккаб вазиятда мамлакатимиз хавфсизлиги ва манфаатларини ишончли таъминлаш янада долзарб вазифомизга айланмоқда.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатимиз хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини, жамиятимизда тинчлик ва тотувлиқни таъминлаш, юртимиз мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантириш масалалари устувор йўналишлар этиб белгиланди.

Шу асосда мамлакатимизнинг ҳарбий-илмий ва ишлаб чиқариш салоҳия-

тини қучайтириш, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини ошириш, уларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, қўшинлар фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этишга янада улкан аҳамият қаратамиз.

Буюк Амир Темури бобомиз айтганларидек, **галаба тақдирини аввало кўшининг жанговар руҳи ва тайёргарлиги, маънавий кудрати ва мустаҳкам иродаси ҳал қилади.**

Шу боис миллий армиямизнинг чинакам куч-қудратини белгилаб берадиган кўрқмас ва доворак ҳарбийларимиз қалбида жанговар руҳни ошириш, уларни ҳар қандай қийинчилик ва синовга чидамли ва матонатли этиб тарбиялаш бундан буюн ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Азиз Ватан ҳимоячилари!
Сизларни бугунги кутлуг байрам билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, олийжаноб ва масъулиятли фаолиятингизда улкан зафарлар тилайман. Азму шижоатли Ўзбекистон ҳарбийлари — Ватанимиз посбонларига шон-шарафлар бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти,
Қуролли Кучлар
Олий Бош Қўмондони**

Дахлдорлик

Ёшлар мамлакатимизни ривожлантиришга ҳисса қўшишга тайёр

Куала-Лумпур шаҳрида мамлакатимизнинг Малайзиядаги элчихонаси томонидан Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси билан ҳамкорликда Ёшлар форуми ташкил этилди.

Унда Малайзиянинг Осие — Тинч океани технология ва инновация, “UKM”, “City”, “Help”, “INTI”, “Cyberjaya”, “UCSI”, “UPM” ва “Sunway” каби нуфузли университетларида тахсил олаётган фаол ватандош талабалар катнашди.

Тadbир давомида иштирокчиларга Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаган қатор муҳим ташаббуслар, амалга оширилаётган ислохотлар алоҳида таъкидланди.

Ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини эътироф этилди. Ҳозирги кунда йигит-қизлар инновацион ва ижтимоий гояларни илгари суришда ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти янги босқичга олиб чиқишда асосий куч бўлиб хизмат қилаётганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси

фаолиятининг асосий вази-фаларидан бири хориждаги ватандошларимизни бирлаштириш, тегишли муаммоларни ўрганиш орқали уларга кўмак беришдан иборат эканлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг иқтидорли ўғил-қизларини чет элда қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш ҳамда малакали мутахассисларга республикамизнинг давлат ва хусусий секторларида бўш иш ўринларини топишда кўмаклашишга қаратилган ассоциациянинг лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Форум иштирокчилари республикамиз ҳаётида фаол иштирок этишга, мамлакатимизни янада ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишга тайёр эканлигини билдирди.

Яқунда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан эълон қилинган Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилида ватандош талабалар билан турли маданий-маърифий ва спорт тadbirlarини биргаликда ташкил этишга келишиб олинди.

«Дунё» АА.
Куала-Лумпур

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ, ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Пойтахтимиздаги “Халқлар дўстлиги” санъат саройида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 32 йиллиги ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали тadbир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизими вакиллари Ватанимизнинг шонли тарихи, шиддатли янгиланишлар, тараққиётимиз ва маърифий юксалиш рамзи бўлган “Янги Ўзбекистон” боғида бўлиб Мустақиллик монументи пойига гуллар қўйди.

Ватан ҳимоячилари кунининг муносабати билан муҳташам санъат саройида ташкил этилган тантанали тadbирга сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучлар

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Қуролли Кучларимизни ислох қилиш ва ҳар томонлама модернизациялаш, уларни замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган, янги Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва суверенитети, халқимиз хавфсизлиги ва фаровонлигини кафолатли таъминлашга қодир миллий армияга айлантириш бўйича тизимли чора-тadbirlar кўрилмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида миллий армиямизнинг қиёфаси ва салоҳияти ҳам тубдан ўзгарди. Бугунги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир, ҳаракатчан ва пухта қуролланган қудратли кучга айланди.

Ҳарбийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилаётган. Соҳа ходимларини замонавий тураржойлар билан таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, зарур ижтимоий кафолатларни яратиш, олий таълим ва таълимнинг кейинги босқичи билан қамраб, касбий, жисмоний салоҳиятини юксалтириш борасида

кўплаб амалий ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимиз ҳарбий тизимини шиддатли даврнинг талаби-га мос тарзда такомиллаштириш давлатимизнинг доимий эътиборида бўлмоқда. Ватанимиз хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини таъминлаш, тинч ва осойишта ҳаётимизни асраб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаб, барқарор тараққиёт йўлимизни жадал давом эттириш масаласи ҳамisha устувор вазифа бўлиб қолаётган.

Мамлакатимиз миллий хавфсизлигини таъминлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини ошириш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш жадал давом эттириляпти. Соҳага рақамлаштириш ва илғор технологиялар жорий этилаётгани эътиборга молик. Буларнинг барчаси миллий армиямизнинг том маънодаги нуфузи ва обрўсини янада юксалтириш, фахримиз тимсолига айлинишида асосий омил бўлмоқда.

Бугунги гоят мураккаб глобаллашув замони тинчлик ва осойишталик, ўзаро ахиллик ва тотувлик, бошимиз узра мусаффо осмонимиз бебаҳо бойлик эканини яна бир бор кўрсат-

фахрийлари, ота-оналар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ҳамда халқро ташкилотлар ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари тақдир қилинди.

Сарой фойесида мамлакатимиз ҳарбий салоҳиятини, соҳадаги ютуқ ва янгилликларини намоийиш этувчи кўргазма ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.
Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 32 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунининг муносабати билан байрам табригини мудофаа вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Қурбанов ўқиб эшиттирди.

моқда. Бу эса осойишталигимизни асрашда нанкин ҳарбийлар, ўзини шу табаррук диёр фарзанди, деб билган барча хамюртларимиздан жонанжон Ўзбекистонимизнинг тақдирига, келажагига дахлдорлик туйғуси билан яшашга, унинг утпрогини муқаддас билишга ва бу йўлда масъулиятни теран англашга даъват этмоқда.



Сирожиiddin ВОХИДОВ олган суратлар.



Мамлакатимиз ёшларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳам энг муҳим вазифалар сирасига киради. Президентимиз табригида таъкидланганидек, халқимиз ҳарбийлар тимсолида Жалолоддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темури, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улғу шайхларини кўради. Давлатимиз раҳбари ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини оширишга мунтазам эътибор қаратиш ҳақида кўп таъкидлайди. Мудофаа вазирилик қўшинларида ўзбек халқининг буюк мутафаккирлари мисолида ҳарбий хизматчиларнинг ўз миллий ва маданий мероси билан фахрланиш туйғусини оширишга қаратилган ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-маърифий тadbirlarни ташкил этиш борасидаги ишлар қўламини кун тартибидан туширмасликини қайд этади.

Тантанали тadbирда таъкидлангани-

дек, бугунги мураккаб глобаллашув даври нанкин мамлакатимиз ҳарбийлари, балки кенг жамоатчилик, бутун халқимиздан янада хушёр ва огоҳ бўлишни, юртимиз келажаги, фарзандларимиз тақдирига катта масъулият билан қарашни тақозо этмоқда. Бу борадаги долзарб вазифалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2023 йил 22 декабрда бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида алоҳида қайд этилган эди.

Соҳага қаратилаётган эътибор натижасида янги Ўзбекистон армияси мамлакат қудрати, чексиз ифтихор ва садоқат намунасига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармоийиш асосида мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган “Янги Ўзбекистон армияси мамлакат қудрати, юксак гуруру ва садоқат тимсолидир” шиори

остидаги ҳарбий-ватанпарварлик ойлигида бу жиҳатлар яна бир қарра ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

— Ватанимиз, ўз халқини ҳимоялаш йигит кишининг зиммасидадир, — дейди Марказий ҳарбий округи батальон командири, “Содиқ хизматлари учун” ордени соҳибини, подполковник Муҳриддин Хошимов. — Бизга билдирилган ишончнинг оқлаш, Ватанимизга, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш ҳаётимизнинг бош шиоридир.

— Биз ёш ҳарбий кадрларни тайёрлашга қаратилаётган эътибордан мамнунмиз, — дейди Чирчик олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти “Ёш авлод” кенгаши раиси Зайниддин Адашев. — Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар натижасида тизимимиз моддий-техника базаси тубдан янгиланмоқда, ҳарбий хизматчилар ва улар-

нинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўлида қатор имитиблар берилмоқда. Энг муҳими, халқимизнинг Ватан ҳимоячиларига бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда. Бу ишонч бизга Ватанимиз тинчлиги ва осмонимиз мусаффолигини кўз қорачигидек асрашимиз учун куч-қувват бағишлайди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари баддий жамоалари, санъат усталари ва ёш истеъодлар ижросида катта байрам концерти намоийиш этилди.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов иштирок этди.

«Халқ сўзи».



ХАЛҚ ВА АРМИЯ —

Мустақам ирода, сўнмас шижоат соҳиблари

Ўзбекистон Куролли Кучлари ташкил топганининг 32 йиллиги ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан хорижда бўлиб турган ватандошлар халқимизга ва мамлакатимиз ҳарбий хизматчиларига ўзларининг самимий кутловларини йўлламоқда.

Абдумажид АЛИМОВ (подполковник), Азиз НАБИЕВ (подполковник), Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари:

— Биз Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари Туркияда ўқув амалиётида тажриба алмашиш бўйича хизмат сафарига бўлиб турибмиз. Айти кунларда юртимизда Ўзбекистон Куролли Кучлари ташкил этилганининг 32 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунини кенг нишонланмоқда.

Шу муносабат билан Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётганиб, барча юртдошларимизни, устозлар, фахрийлар ва фахрийларимизни ҳамда юртдошларимизни ушбу кутлуғ сана билан чин юракдан муборакбод этамиз.

Азиз ХАЛИЛОВ (подполковник), Исроҳон ИСОҚЖОНОВ ва Миржалол ХАЙРУЛЛАЕВ (курсантлар), Россиянинг Кострома шаҳридаги Радиацион кимёвий биологик ҳимоя ҳарбий академиясида тахсил олаётган курсант

— Сизларни Ўзбекистон Куролли Кучлари ташкил топганининг 32 йиллиги ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини билан Кострома шаҳрида жойлашган С. К. Тимошенко номидаги Радиацион кимёвий биологик ҳимоя ҳарбий академиясида тахсил олаётган курсант

Соҳибжон ЧОРИЕВ ва Шохруҳбек ХОЛМАМАТОВ (курсантлар), Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида жойлашган Ҳарбий жисмоний маданият институтини:

— Барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги кутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари кунини билан Куролли Кучларимиз ташкил этилганининг 32 йиллиги билан Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида жойлашган Ҳарбий жисмоний маданият институтига тахсил олаётган курсантлар номидан чин қалбимиздан самимий муборакбод этамиз.

Сизларга оилавий тинчлик, қувонч, метиндек мустақам ирода, сўнмас шижоат, фаолиятингизга улкан зафарлар тилаб қолаимиз.

Ватан ҳимоячилари кунини муборак бўлсин!

«Дунё» АА.



Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганининг 32 йиллиги ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан Ургут ва Пайарик туманларида ватанпарварлик фестивали ўтказилди.

Самарқанд гарнизонидаги ҳарбий қисм тарбиёт гуруҳи томонидан «Янги Ўзбекистон армияси — мамлакат қудрати, юксак гуруҳ ва садоқат тимсолидир» шiori остида уюштирилган фестиваль «Соғлом ҳаёт учун 5000 кадам» шiori остидаги юриш маршлари билан бошланди.

Тадбирда сўз олганлар халқ ва армия бирдамлигини янада мустақамлаш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, аҳоли ўртасида миллий армиямиз билан фахрлиниш тинчлиги йўлидаги хизматларингиз учун барчангизга чуқур миннатдорлик билдираман.

Фестиваль доирасида фахрий қорувнинг кўргазмали чиқишлари, кўл жанги усталарининг жанговар ҳаракатлари намойиш қилинди. Ҳарбий оркестр жамоасининг Ватанни мадҳ этувчи куй-кўшиқлари фестивалга байрамона кайфият бағишлади.

— Айтимиз, январь ойи аскарлар учун эсда қоғларли бўлмоқда, — дейди ҳарбий қисм маданият маркази бошлиғи, сержант Алижон Кўнқоров.

Мард ўғлонлар жасорати унутилмайди

Мустақиллик йилларида эл-юрт тинчлиги, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида жонини қурбон қилган жасур ўғлонларимиз кўпчиликини ташкил этади.

14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини олдида шундай тадбирлардан бири Андижон вилоятининг Балихчи туманида бўлиб ўтди. Унда Чинобод шаҳарчасидаги 39-умумтаълим мактабининг битирувчиси, Ватанимиз сарҳадлари ҳимояси йўлида қаҳрамонларча халок бўлган Асилбек Мирзаев хотирланди.

Асилбек Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида тахсил олган. Ватандошимиз 2000 йил 16 сентябрь кунини Сурхондарё вилоятида бир гуруҳ террорчи жангариларга қарши курашда қаҳрамонларча халок бўлди.

Шу боис Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари мутасаддилари иштирокида «Ватан фидойи фарзандларини унутмайди» шiori остида юрт тинчлиги йўлида фидойилик кўрсатган, хизмат бурчини бахариш чоғида халок бўлган самарқандлик ҳарбий хизматчиларнинг ақилларидан ҳол сўралди.

Жумладан, масъуллар лейтенант Сайёр Саъдинов, лейтенант Маъруфжон Раҳмонов, катта сержант Маъруфжон Ражабов, сержант Улғубек Барноев, кичик сержант Нодир Собиров, кичик сержант Акмал Мирзаэхмедов, кичик сержант Улғубек Ҳасанов, оддий аскар Лочин Хайитов хонадонларида бўлишди.

Ҳарбий хизматчиларнинг ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари ҳолидан хабар олиниб, Мудофаа вазирлиги томонидан ажратилган пул маблағлари ва округ қўмондонлигининг байрам совғалари топширилди.

«Ватанпарварлик ойлуги» доирасидаги тадбирлар давом этмоқда.

Саминжон ҲУСАНОВ, Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).



Ҳарбий хизматчиларнинг ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари ҳолидан хабар олиниб, Мудофаа вазирлиги томонидан ажратилган пул маблағлари ва округ қўмондонлигининг байрам совғалари топширилди.

«Ватанпарварлик ойлуги» доирасидаги тадбирлар давом этмоқда.

Саминжон ҲУСАНОВ, Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

Аскар оналари эъзозда

Муддатли ҳарбий хизматчилар учун армияда ўтган ҳар бир кун ўқиб-ўрганиш, чиниқиш, машғулотларда тобланиш нуктаи назаридан фойдали кечади. Бунини Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида жойлашган Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмда йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар яхши билади.

— Айтимиз, январь ойи аскарлар учун эсда қоғларли бўлмоқда, — дейди ҳарбий қисм маданият маркази бошлиғи, сержант Алижон Кўнқоров.



— Ўзбекистон Куролли Кучлари ташкил топганининг 32 йиллиги муносабати билан бир қатор маданий-маърифий учрашувлар ўтказилди. Ана шундай тадбирлардан бири видеомуроқот тарзида уюштирилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтиатов туманида жойлашган ҳарбий қисмда хизмат бурчини ўтаётган аскарларнинг ота-оналарини иштирок этди.

Видеомуроқотда Асадбек Жўраев, Фозилбек Усмонов, Бобирмирзо Тўхтаев сингари аскар йигитлар сўз олиб, армия ҳаёти, у ердаги шарт-шароитлар ҳақида сўзлаб берди, эл-юрт ишончини камал ва кучли армияси ҳисобланган.

Шу нуктаи назардан айтганда, охири етти йилдаги ислохотлар, амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида Куролли Кучларимиз том маънода жамиятнинг ажралмас қисмига, мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг ишончли қафолатига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланди, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бинобарин, бугунги кунда ҳарбийларимиз ўзларининг профессионал тайёргарлик даражаси бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар армияларининг ҳарбий хизматчиларидан асло қолишмаслигини сўзда эмас амалда исботламоқда. Улар ўзларининг маҳорати, руҳан бакуватлиги, ғалабага бўлган иродасини намён этган ҳолда буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканликларини яққол кўрсатяпти.

Мухтасар айтганда, миллий армиямиз сафарларида халқимиз фарзандларининг садоқат ва фидойилик билан хизмат қилиши учун барча шарт-шароит яратилган. Ҳозир сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз мустақиллигини, тинч-фаровон ҳаётимизни ҳимоя қилишга қодир миллий армиямиз сафарларида кучли, билимдон ва жасур ҳарбийлар хизмат қилаётгани барчамизни қувонтиради. Зотан, шундай мард ва жасур ўғлонларимиз бор экан, юртимиз доимо тинч, осмонимиз мусаффо, байрогимиз эса сарбаланд бўлаверади.

Баҳром РАҲМОНАЛИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Чегарачиларга совға

Қашқадарё вилоятининг Дехқонobod туманидаги Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий шаҳарчада 30 та хонадонни ўз ичига олган иккита кўп қаватли хизмат уйи фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Куролли Кучлар фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, бугун мамлакатимиз Куролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Бунини Дехқонobod туманидаги мазкур ҳарбий шаҳарчада қуриб битказилган янги уй-жойлар ва яратилган шарт-шароитлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Турмуш ўртоғим етти йилдан буён Чегара қўшинларида хизмат қилади, — дейди ҳарбий хизматчи Баҳодир Нурматовнинг турмуш ўртоғи Гулнозаҳон Нурматова. — Шу вақтга қадар ижарада яшаб келаётган эдик. Куролли Кучларимиз ташкил этилганининг 32 йиллиги байрами олдида янги хизмат уйи берилгани барчамизни қувонтирди. Бу ерда бир оила тўқис яшashi учун барча шариот муҳайё.

Шу кунини ҳарбий шаҳарчада барпо этилган 25 ўринли янги мактабгача таълим муассасасининг ҳам фойдаланишга топширилиши юрт посбонлари ва уларнинг оила аъзолари учун ҳақиқий байрам туғғаси бўлди.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

Шарафли бурч масъулияти



Бу йил Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил топганига 32 йил бўлди. Утган тарихан қисқа даврда соҳада олиб борилган тизимли ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг ҳарбий салоҳияти янада юксалди.

Бу бежиз эмас. Чунки бугунги кунда «Халқ ва армия — бир тану бир жондир» деган эзгу тамойил асосида амалга оширилган ишлар туфайли фуқароларимиз армиянинг ҳар томонлама ёрдами ва кўмагини амалда ҳис этапти. Айтимиз, ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори кескин кўтарилмоқда. Бошқача айтганда, армияда хизмат қилиш шарафли ва муқаддас касбга айланди.

Шу ўринда айти вақтда ҳарбий ўқув юрларимиздаги таълим тизими тубдан ўзгарганини қайд этиш жоиз. Уларда бўлажак офицерларни тайёрлаш ва тарбиялаш ҳозирги замон талабларига тўла мос келадиган, принципал жиҳатдан мутлақо янги бўлган ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилган.

Шунингдек, ҳарбий-маъмурий секторлар фаолияти самарасида ҳам ҳарбий шаҳарчалар инфратузилмаси тўлиқ янгиланиб, янги ўқув полигонлари барпо этиляпти. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида ҳарбийларимиз халқаро майдонларда ўтказилаётган кўллаб нуфузли ҳар-

бий спорт мусобақаларида фахри ўринларни, салмоқли ютуқларни кўлга киритиб келмоқда. Биргина ўтган йилда Ўзбекистон армияси ҳарбий салоҳияти бўйича Марказий Осиёда биринчи, дунё миқёсида эса 62-ўринда қайд этилган эътиборга молик.

Ушбу соҳадаги ўзгаришлар ҳақида тўхталганда, охири етти йилда Ватан ҳимоячиларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси мустақамланиб, кўллаб оила-лар уй-жой билан таъминлангани, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари олий таълим муассасаларига имтиёзли асосда ўқишга кирганини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли.

Эътироф этиш керак, айти чоғда Жалолиддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркардаларнинг жанговар анъаналари муносиб давом эттирилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки улар ўз замонасида нафақат одил ҳукмдорлар, айти вақтда енгилмас кўшинларнинг қўмондонлари ҳам бўлган.

Ҳусусан, Амир Темур бобомиз барча поғонадаги ҳарбий мансабдорлар ўз бўйсунувидида ҳарбий хизматчилар таълим-тарбияси бўйича иш олиб боришини таъминлаган. Шу сабабли унинг жанговар кўшини ўзининг стратегик ва тактик маҳорати билан ўша даврнинг энг му-



БИР ТАҢУ БИР ЖОН

Олис ҳудудларда байрам шуқуҳи

Ватан ҳимоячилари куни байрамнинг шуқуҳи Навоий вилоятининг олис ҳудудларида ҳам юртдошларимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларини юксалтирмоқда.

Олис Томди туманининг Ҳаёт маҳалласига Зарафшон шаҳрида жойлашган ҳарбий қисм хизматчиларининг "Ватанпарварлик" қарвони ташриф буюриб, "Янги Ўзбекистон армияси — мамлакат қудрати, юксак ғурур ва садоқат тимсолидир" шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда мустақиллик йилларида ҳарбий соҳада амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида мамлакатимиз хавфсизлиги ва тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир, мутлақо янги миллий армия ташкил топгани, қўшинлар шайлиги, жанговар қобилияти ҳақида сўз юритилди.

Ҳарбий хизматчи Нодирбек Бобоевнинг айтишича, ёшларда ватанпарварлик, юртга содиқлик туйғуларини камол топтиришда бу каби учрашувларнинг ўрни бекиёс.

Тадбирда фахрий қоровул қўшинларининг жанговар саф чиқишлари ҳамда қўл жанги намойиши унда қатнашаётган ёшлар қалбида ҳарбий касбга қизиқиш шижоатини оширган бўлса, ҳарбий оркестр жамоаси ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларга хуш кайфият бахш этди.

Байрам муносабати билан Кармана туманининг "Янги Ўзбекистон" мавзесида 28 нафар ҳарбийнинг оиласига янги уй-жойларнинг калити топширилди. Шу муносабат билан сўз олганлар Қуролли Кучларимизни замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлигини ошириш боробарида ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уй-жой ҳамда маиший шай-шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.



Турмуш ўртоғини йигирма йилдан буён ҳарбий хизматда, — дейди Дилрабо Жўраева. — Олти нафар фарзандимиз бор. Шу пайтга қадар Қашқадарёда, Бухорода хизмат пайтларида ижарада яшаб келардик. Бугун ҳамма кулайликка эга уч хонали хонадоннинг калитини қабул қилиб олдик. Бу бизга қутулмаган совға бўлди.

Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган бундай тадбирлар вилоятнинг турли қорхона ва ташкилотлари, маҳаллаларида ҳам давом этмоқда.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»)



Юрт хизматида камарбаста

Фарғона шаҳридаги 29-умумтаълим мактаби ўқувчиси Асилбек Яхшибоев ҳар куни ишдан келган отасини ҳарбийларга хос тартиб билан кутиб олишга одатланган. Бу унга икки акаси — Элнур ва Аббосдан ўтган. Шу тариқа Яхшибоевлар оиласида ҳарбийча тартиб-интизом аллақачон кундалик турмуш тарзига айланиб улгурган, десак, асло муболага бўлмайди.

Оила соҳиби Тоир Яхшибоев айна пайтда Миллий гвардиянинг Фарғона вилояти бўйича бошқармасида шартнома асосида хизмат қилади, I даражали сержант. У Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидаги 22 йиллик хизмати давомида кўплаб ютуқларга эришиб келмоқда. Аммо у оиласи бахти ва фарзандлари камолини ҳаётидаги энг катта муваффақияти сифатида эътироф этди.

Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида камолга етганман, — дейди у. — Болалигимдан ҳарбий бўлишни орзу қилиб, мактабда аёло баҳоларга ўқидим. Спорт билан астойдил шуғулланиб, туман, вилоят микёсида уюштирилаётган мусобақаларда кўплаб совринларни ютдим.

Ҳарбий хизматдан сўнг шартнома асосида хизматни давом эттириб, йигирма йилдан зиёдроқ вақт мобайнида самарали фаолият кўрсатиб келмоқдаман.

Айтиш жоизки, Тоир Яхшибоев оиласи бугунги кунда Фарғона шаҳридаги энг намунали оилалар сирасига қиради. Оиланинг уч фарзанди олий таълим муассасаси талабаси. Элнур ва Шаҳзода Фарғона давлат университетларида ўқиётган бўлса, Аббос Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида таҳсил олмақда.

Фарзандларимизнинг маънави жисмонан етук инсонлар бўлиб улғайиши учун барча имкониятдан

уномли фойдаланишга ҳаракат қиламиз, — дея суҳбатни давом эттиради қаҳрамонимиз. — Шу боис тўрт фарзандимиз ҳам бир неча хорижий тилларни ўрганиб, илм-фан, спорт соҳасида қувонарли натижаларга эришиб келаётир. Келажақда фарзандларим ҳам қайси соҳада бўлмасин юрт хизмати-га камарбаста бўлишига ишонаман.

Тоир Яхшибоев ҳаёт синовларида чиниққан ҳарбий. У 1999 йили пойтахтимизда содир этилган кўпуровчилик ҳаракатида террорчиларга қарши курашда ҳамда Олий Махлис биноси хавфсизлигини таъминлашда жонбозлик кўрсатди.

2001 йилнинг июнь ойида Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида аниқланган ноқонуний қуролли гуруҳларни қидириш ва йўқ қилиш жараёнида қийинчиликларни сабот билан енгиб, ўзининг ватанпарварлиги ва ҳарбий қасамидега содиқлигини исботлади.

У ҳарбий хизмати давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўртаси-

да ўтказиб келинаётган бир қатор кўрик-танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган. Ўз навбатида, ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасида ҳам ҳамisha фаол. Ўқув ва амалий машғулотлар мобайнида шогирдларига соҳадаги кўп йиллик тажрибаларини ўргатиб келмоқда.

Ҳарбий-ватанпарварлик соҳасидаги намунали хизмати учун бир қатор кўрак нишонлари билан тақдирланган. — Миллий гвардия ўтган қисқа даврда тинч ва осойишта ҳаёт, жамоат хавфсизлигини сақлашда халқимиз ишонига сазовор бўлиб улгурди, — дейди у. — Жараёндаги бурч ва масъулиятга садоқат билан хизмат қилиш, ҳамisha бурча содиқ бўлиш зиммамиздаги энг муқаддас вазифа.

Дарҳақиқат, ҳарбийлик доимий масъулият, бир умр қасамдега содиқ бўлиб қолиш эса ҳарбий хизматчи учун юксак шарафдир.

«Халқ сўзи».

Энг олий туйғу

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Сирдарё вилоятида ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида маданий-маърифий, оммавий спорт тадбирлари, учрашувлар ташкил этилмоқда.



Жумладан, Миллий гвардиянинг Сирдарё вилояти бўйича бошқармаси ва Қўриқлаш бошқармаси ҳарбий хизматчилари иштирокида Гулистон туманидаги

ихтисослаштирилган мактаб-интернатда китобнинг инсоният ҳаётида тутган ўрни, китобхонлик маданиятига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.


Ҳарбий хизматчилар ва ўқувчилар ўзлари ўқиган асарлар, китобнинг ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги муҳим аҳамияти ҳақида сўз юритишди. Ва ўқувчилар қизиқтирган саволларига жавоблар олди. Тадбир давомида фахрийлар, ҳарбий хизматчилар ва ўқувчилар иштирокида шахмат-шашка мусобақаси ўтказилди.

Ҳаммадил ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»)



Янги нашр

Бугун Президентимиз ташаббуси билан "Халқ ва армия — бир тану бир жон" деган гоя асосида Қуролли Кучларни халққа яқинлаштириш, ҳарбий соҳада олиб борилаётган ишлар ҳақида фуқароларни таништириб бориш, тизимда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, айна пайтда навқирон авлод ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Бу борада мутлақо янги тузилма — ҳарбий-маъмурий секторлар барча ҳудудда самарали фаолият юритаётгани муҳим аҳамият касб этяпти. Армия ва халқ бирлигини таъминлашга қаратилган ишлар кенг қамровли бўлиб, барча бўғиндаги ҳокимият ва бошқарув идоралари, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар ташкилотлари, таълим-тарбия муассасаларида уюшқоқлик билан олиб борилаётир.

Бу йилдан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси муассислигида нашр этила бошланган "Халқ ва армия — бир тану бир жон" илмий-амалий ва оммабоп журнали бу борадаги ишларни янада кучайтириш, мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка янада чуқурроқ тушуниришга хизмат қилади.

Ўқувчилар мазкур нашр воситасида миллий армиямизда ҳарбий жанговар салоҳият ва руҳий-маънавий қудратни янада юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар, эришилаётган ютуқлар ҳақида яқиндан танишиб бориши мумкин.

Журналнинг нишона сониде таҳририят жамоасига ижодкор зиёлиларнинг, ёзувчи ва шоирларнинг, олимларнинг, ҳарбий соҳа фидойиларининг дил сўзлари, табриклари, фикр-мулоҳазалари, шунингдек, Қуролли Кучлар тизимида олиб борилаётган ислохотлар ҳақидаги таҳлилий мақолалар ўрин олган.

«Халқ сўзи».

Она Ватанга садоқат тараннуми

Мамлакатимиздаги барча ташкилот ва қорхоналарда, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда, таълим-тарбия муассасаларида Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 32 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Шундай байрам тадбирларидан бири республикамизнинг энергетика тармоғи учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган "Москва энергетика институтининг" миллий тадқиқот университети (МТУ)да ташкил этилди.

Авалло айтиш керакки, бу тадбир ҳар галгидан умуман ўзгачароқ — талабалар томонидан тайёрланган сценарий асосида ўтказилгани билан эътиборлидир. Даставвал Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида намунали-кўргазмали оркестри томонидан Давлат мадҳияси ижро этилди.

Шундан сўнг театрлаштирилган концерт дастурида оркестр жамоасининг ватанпарварлик руҳидаги куй ва қўшиқлари йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади. Талаба-ёшлар томонидан ҳарбий мавзуга бағишланган сахна кўринишлари, рақс ва куй-қўшиқлар ижро этилди, шеърлар ўқилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ватан ҳимоячилари, фахрий ҳарбийлар

мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, халқаро нуфузини кўтариш борасида амалга оширилаётган ишлар, соҳада олиб борилаётган ислохотлар ҳақида сўз юритди.

Президентимизнинг "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармонида кўрсатиб ўтилган етита устувор йўналишдан бири мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтиришдан иборат, — дейди "Москва энергетика институти" МТУ ижрочи директори, профессор Ҳожиакбар Далиев. — Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Мудофаа док-

тринаси асосида ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ҳарбий хизматчиларга муносиб иш ва турмуш шароитлари яратиб берилмоқда. Миллий армиямизнинг минтақавий, халқаро рейтинглардаги, ўтказилаётган ҳар хил мусобақалардаги кўрсаткичлари юқориламоқда. — Миллий, минтақавий ва глобал хавфсизликка қарши турфа таҳдидлар пайдо бўлаётган бугунги кунда халқимизнинг тинч ва осу-



Суратлар "Халқ сўзи" фотожамнамасидан олинди.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ («Халқ сўзи»)

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — аниқ, манзилли ва шаффоф

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ижтимоий давлат барпо қилиш гоёси кўп миллатли халқимизнинг яқдил қўллаб-қувватлаши билан 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдум орқали янгиланган Конституцияда алоҳида тамойил сифатида қайд этилди.

Айни жараёнда аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш сифатини тубдан ошириш ҳамда ушбу соҳада жаҳон андозаларига мос мутлақо янги тизимни жорий қилиш устувор вазифа сифатида белгиланди. Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 1 июнь куни имзоланган “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони давлат томонидан ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ҳамда турларини кенгайтириш учун ҳуқуқий асос бўлди.

Фамхўрлик

Фармонга кўра, ижтимоий соҳани ислох қилиш мақсадида 15 та вазирлик ва идора тизимида тарқоқ бўлган ижтимоий хизматлар умумлаштирилиб, ушбу йўналишдаги вазифалар ўзаро мувофиқлаштирилди.

Аваллари ижтимоий хизмат маҳалла даражасида тўлиқ камраб олинмаган бўлиб, фақат кеска ёшдаги ҳамюртларга хизмат кўрсатилар эди. Эндиликда энг куйи бўлган — маҳалла даражасида профессионал ижтимоий хизмат йўлга қўйилди.

Маҳалланинг ўзида комплекс ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш тизимини шакллантириш, ижтимоий ҳимоянинг самарадорлигини ошириш мақсадида мамлакатимиздаги 28 та туман (шаҳар)да тажриба тариқасида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди. Айни пайтда ушбу марказларда ёрдамлар кўрсатишнинг янги тизими бўйича хизматлар кўрсатилмоқда.

Инсон омили иштирок этмайди

— Кейинги йилларда аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар ва ёрдамнинг манзиллигини янада ошириш, ижтимоий ҳимоянинг тартиб-таомилларини рақамлаштириш борасида бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бўлим бошлиғи Фаррух Сулаймонов. — Хусусан, давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорлари асосида юртимизда ижтимоий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва уларни тайинлаш жараёнига “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими босқичма-босқич жорий этилди.

Ўз навбатида, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга қадаму қадам бўла 2 ёшга тулғунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси ўрнига кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси тайинланадиган бўлди. Бунда:

- инobatга олинмаган болалар ёши 14 дан 18 ёшгача оширилди;
- тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача узайтирилди;
- унинг миқдори оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб белгиланиши йўлга қўйилди.

Шунингдек, янги тартиб асосида кам таъминланган оилаларга нафақа тўловлари “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали амалга ошириб келинаётган. Мамлакатимизда болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи оилалар сони 2,1 миллиондан ортди ва ушбу кўрсаткич 2020 йилдагига нисбатан 2,8 баробар кўпдир. 2023 йилнинг ян-

варь — октябрь ойларига нафақа тўловлари учун Давлат бюджетидан 9,1 трлн. сўм маблағ харажат қилинди.

Аммо жойларда ўтказилган ўрганишлар ижтимоий нафақаларнинг манзиллигини яхшилаш учун тизимдаги мавжуд айри мезонларни янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 10 ноябрь кунги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича электрон шаклда ариза беришни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлиши, шубҳасиз.

Қарорга кўра, 2024 йилнинг апрель ойидан бошлаб ортиқча овозгарчиликларсиз онлайн шаклда болалар нафақаси ва моддий ёрдамга ариза топшириш имконияти яратилади. Шу тариқа бундай аризаларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали юбориш мумкин.

Шу билан бирга, янги ташкил этилган “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходимларига фуқароларнинг бевосита розилиги билан “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича электрон шаклда ариза тақдим қилиш ҳуқуқи берилди.

Оила шароити ҳар ойда ўрганилади

Замонавий мезонлар бўйича ижтимоий нафақаларни тайинлаш тартибларига ҳам бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

— Биринчи навбатда, ижтимоий нафақа тайинлашда инobatга олинмайдиган енгил автотранспорт воситасининг ишлаб чиқарилган муддати 7 йилдан 12 йилга ўзгартирилмоқда, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги етакчи мутахассиси Сурайё Отақўзиева. — Шунингдек, эндиликда нафақа тайинлашда руҳий касаллиги сабабли диспансерда расмий рўйхатдан ўтган фуқаролардан бандлик талаб этимаслик бўйича имтиёз белгиланмоқда. Киритилаётган яна бир ўзгартишга мувофиқ, расман никоҳи бекор қилинмаган алимент тўлаётган эр (хотин) нафақа тайинлашда оила таркибига киритилмайди. Бу алоҳида аяшбўлиб қилинади, лекин никоҳи расман бекор қилинмагани учун даромади ва бандлиги умумий баҳоланадиган оилалар учун жуда ҳам муҳимдир.

Боиси амалиётда алоҳида яшаётган бўлса ҳам турмуш ўртоғининг катта миқдордаги иш ҳақи ёки автомашинаси мавжудлиги сабабли нафақа тайинлаш рад этилиши ҳолатлари кўп кузатилади. Эндиликда бандлик органларига иш қидирувчи ёки маслаҳат олиш учун мурожаат қилган

фуқародан нафақа тайинлашда расмий бандлик талаб этилмайди. Бундан ташқари, киритилган яна бир ўзгаришга кўра, фуқаро 3 ой давомида ишга кирмаса, касбга ўқимаса, тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилмаса ҳамда иш бўйича тақлифларни рад этса, ижтимоий нафақа тўлови тўхтатилади.

Амалдаги тартиб бўйича оила аъзосининг чет элда ишлаётгани тўғрисидаги маълумот маҳалла раиси томонидан берилар эди. Шу сабабли, амалиётда инсон омили натижасида ушбу маълумотни беришда нотўғри тақдим этиш ҳолатлари мавжуд. Бундан буён фуқаронинг чет элда эканлиги тўғрисидаги маълумотлар Персоналлаштириш агентлиги ахборот тизимидан электрон шаклда олинади.

Айтиш жоизки, шу пайтгача нафақа тайинланганидан сўнг оиланинг иқтисодий ҳолати яхшилانганлиги қайта баҳоланмас ҳамда муддат якунига қадар тўлов амалга оширилари. Энди эса ижтимоий нафақа тайинланганидан сўнг ахборот тизими орқали ҳар ойда оиланинг иқтисодий аҳоли автоматик равишда мониторингдан ўтказилади, кўчмас мулк, автотранспорт воситаси харид қилинган ёки юқори иш ҳақи олинган ҳолларда нафақа тўлови тўхтатилади.

Нафақа тайинланган оилада навбатдаги бола туғилганда болалар нафақаси миқдори автоматик равишда қайта ҳисобланади. Ижтимоий нафақа тайинлашда оиланинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртача даромад минимал истеъмол харажатлари миқдоридан ошмаганда кам таъминланган деб эътироф этилади. Бу каби ўзгаришлар ижтимоий нафақа тўловлари манзиллигини ошириш ва Давлат бюджетидан ажратилаётган мабларларнинг самарали ишлатилишига хизмат қилади.

Замонавий мезонларга мос марказлар

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг мақола аввалда келтирилган Фармонига кўра, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилиши билан ушбу тизимда жаҳон андозалари даражасида фаоллаштирилиб бориш имконияти яратилди.

— Янгича иш юритишга ўтиш юзасидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларга кўра, 2024 йил 1 январьгача туман, шаҳар “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва ёрдамлар кўрсатиш тизимини ташкил этиш ҳамда тўлланган тажрибадан келиб чиқиб, 2024 йил бошидан барча бўгини тўла ишга тушириш мақсад қилинган ва бунга амалда эришмоқдамиз, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи Иброҳим Ҳожиёв. — Бу борада дастлабки босқичда 26 турдаги хизматлар йўлга қўйилган бўлса, жорий йил бошидан улар сони 49 тага етказилмоқда.

Айни йўналишда вазифалар ижросига жадал кириштирилиб, ўтган қисқа вақт ичида ижтимоий хизмат ва ёрдамларнинг паспортлари ишлаб чиқилди. Бир пайтнинг ўзида “Ижтимоий ходим тўғрисида”ги вақтинчалик Низом, вақтинчалик йўриқнома, ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари ва “Маҳалланинг ижтимоий паспорти” сингари зарур ҳужжатлар тасдиқланди. Шаҳар ва туманлардаги марказлар босқичма-босқич ишга туширилиб, малакали ходимлар билан таъминланди. Махсус ишчи гуруҳ

томонидан эса аҳоли тоифалари ажрати олиниб, “маҳалла еттилиги” ва патронаж ҳамширалар томонидан хатловдан ўтказилди.

Маълумотларга қараганда, Наманган вилоятида 3 минг 761 нафар бир ўзи яшовчи ва ёлғиз кексалар, 74 минг 473 нафар ногиронлиги бўлган ва 254 минг 877 нафар “Ягона ижтимоий ҳимоя реестри”да турувчи фуқаролар, 621 нафар таъйиқ ва зўравонликка учраган шахслар, 679 нафар етим ва ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларга ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилаётган.

Ижтимоий ҳимоя самарадорлигини ошириш мақсадида Президент қарори билан республикадаги 28 та туман ва шаҳарда тажриба тариқасида “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ташкил этилиши белгиланган эди. Фаргона вилоятининг Данғара туманида биринчи бўлиб шундай марказ иш бошлаган. Замонавий бинода жойлашган муассасада 20 нафардан зиёд малакали мутахассислар маҳаллаларга мажмуавий хизмат кўрсатмоқда.

Агентликнинг Фаргона вилояти бошқармаси бошлиғи Элёрбек Ахронкуловнинг айтишича, бугунги кунда вилоятда 87 мингдан кўпроқ ногиронлиги бўлган шахслар, қарийб 3 минг нафар ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, 3,5 мингдан зиёд протез-ортопедия мосламаларига муҳтожлиги бўлган шахслар “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ёрдамидан фойдаланишга киришди.

2024 йилдан яна янги 23 та ижтимоий хизмат йўлга қўйилиб, руҳий-ижтимоий ёрдам мобил хизмати ташкил этилади. Ҳуқуқшунос ва психологлардан иборат таркибдаги ушбу гуруҳлар орқали оғир вазиятга тушиб қолган, кўмакка муҳтож бўлганларга манзилли шошилинч руҳий-ижтимоий ҳамда ҳуқуқий хизматлар кўрсатилади.

Айни чоғда Хоразм вилоятининг Урганч тумани, Самарқанд вилоятидаги Пахтачи тумани ҳамда Каттақўрғон шаҳри, Бухоро вилоятининг Қорақўла тумани, кўйингики, мамлакатимизнинг барча вилоятларида тажриба тариқасида танлаб олинган 28 та шаҳар-туманда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари бинолари навбати билан фойдаланишга топшириляпти. Уларда ногиронлики белгиланган таъминлаш, протез-ортопедия жиҳозлари билан таъминлаш, санаторийларга юбориш, психологик ёрдам ва ижтимоий нафақа тайинлаш бўйича барча турдаги хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш йўлга қўйилди.

Мухтасар айтганда, бу каби изчил саъй-ҳаракатлардан кўзланган мақсад, биринчи навбатда, манзилли ҳимоялашнинг профессионал тизимини жорий қилиш, кўмакка муҳтож қатламнинг манфаатларини тўлиқ таъминлаш, оғир аҳволга тушиб қолган инсонларга яқка тартибда ёндашиш, ижтимоий суғурта имкониятларини кенгайтириш ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт кечириши учун қулай муҳит яратишдир.

Демак, ижтимоий ҳимоя тизимини миллий ва жаҳон андозалари даражасида такомиллаштириш йўлида ташланаётган дадил қадамлар яқин истиқболда рўёбга чиқариладиган янада кўламли ишлар, янги Ўзбекистонда “Инсон қадри улус” тамойили асосида ҳаётга татбиқ этилаётган эзгу ташаббуслар ижобати-га хизмат қилади.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Спектакль

Абу Муин Насафий ҳақида илк саҳна асари

Қашқадарё вилояти мусиқали драма театрида давлат буюртмаси асосида саҳналаштирилган “Абу Муин Насафий” спектаклининг премьераси бўлиб ўтди.



Таъкидлаш жоизки, ислом дунёсида “Ҳақиқат қиличи” рутбаси билан танилган Абу Муин ан-Насафийнинг илмий-маънавий меросини тадқиқ этиш, асарларидаги бугунги кун учун долзарб бўлган ҳикматларни ёш авлодга етказиш устувор аҳамиятга эга. Шундан келиб чиққан ҳолда сўнгги йилларда ҳуқуматимиз томонидан Абу Муин Насафийнинг илмий меросини тадқиқ ва тарғиб қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри ижодий жамоаси томонидан саҳналаштирилган “Абу Муин Насафий” тарихий драмаси ҳам буюк бобокалонимиз номини, айниқса, ёш авлодга кенг танитиш, илмий меросини оммалаштиришга яна бир муҳим қадам бўлди.

Спектаклда Абу Муин Насафийнинг илм излаб Самарқандга бориши, нотаниш шаҳар, беғона одамлар орасида чеккан машаққатлари саҳнага олиб чиқилган. Эъти-

борлиси, бу даврда аллома ҳам илм олган, ҳам ўзини намояндалар қилган. Ушбу спектаклни таниқли адабиётшунос олим Нафас Шодмоновнинг тарихий драма жанридаги асари асосида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валихон Умаров саҳналаштирган. Ролларни театрнинг маҳоратли актёр ва актрисалари маромига етказиб ижро этган.

Янги спектакль тақдироти-га маданият ва санъат соҳаси вакиллари, кенг жамоатчилик, ёшлар тақлиф қилинди.

«Халқ сўзи».

Заковат

Интеллектуал ўйин

Муҳаммадшариф Сўфизода номидаги Наманган вилояти болалар кутубхонасида ёшларни китоб мутолаасига қизиқтириш, уларнинг дунёқароши ва эркин фикрлашини шакллантиришга йўналтирилган тадбирларни тез-тез уюштириш аънаънага айланган.



Куни кеча бу ерда умумтаълим мактабларининг 7 — 11-синф ўқувчилари орасидан сараланган билимдонлар ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини ташкил этилиб, уларнинг зукколиги синновдан ўтказилди. Унда жамоаларнинг 70 нафардан зиёд билимдонлари ўзаро баҳслашди.

Ўқув фанлари, маънавият, тарихий фактлар, урф-одат ва қизикarli воқеалар билан боғлиқ мураккаб саволлар қатнашчиларни бирмунча ўйлантирганга қарамай, ёшлар уларга аниқ жавоб қайтаришга ҳаракат қилишди.

— “Заковат” ёшларнинг билимини чархлайди, дунёқарошини кенгайтиради, фанларни пухта ўзлашти-

ришга чорлайди, мантикий фикрлашни ривожлантиради, — дейди Поп туманидаги 67-умумтаълим мактаби “Билимдонлар” жамоаси сардори Сирожиiddин Убайдуллаев. — Биз ҳам жамоамиз билан билимимизни синновдан ўтказдик. Бу бизга ўзгача руҳ ва шижоат берди.

Яқунда “Билимдонлар” жамоаси энг юқори натижага эришиб, биринчи ўринни эгаллади. Мингбулоқ ва Чортоқ туманларидан келган ёшларга кейинги фахрли ўринлар насиб этди.

Ғолиб жамоалар ҳомийларнинг эсдлик совғалари билан тақдирланди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

ТУПРОҚҚАЛЪДА САКСОВУЛЗОР БАРПО ҚИЛИНМОҚДА

Оролбўйи ҳудудида экологик ҳолат кескинлашуви нафақат юртимиз аҳлини, балки бутун дунё жамоатчилигини, олим ва мутахассисларни ҳам ташвишга солмоқда. Чунки қуриган денгиз ҳудудидagi танглик йирик минтақавий экологик ҳолатни вужудга келтирмоқда. Албатта, бу денгиз ҳавзаси яқинида яшайдиган, хусусан, Хоразм вилояти ҳудудида истиқомат қилаётган аҳоли саломатлигига ҳам таъсир ўтказмасдан қолмаяпти.

Экотизим

Шу боис шамол туфайли денгизнинг қуриган ҳудудидан кўтарилган кум ва тузини ушлаб қолиш чораларини кўриш учун сунъий ўрмонлар бунёд этишнинг аҳамияти жуда катта.

Мамлакатимиз ҳудудида ўрмонзорлар, шунингдек, Орол денгизи, Оролбўйи ҳудудларида 2022 — 2026 йилларда 50 минг гектар яшил қопламалар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, шу асосда ҳар йили амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилаётган. Хусусан, Хоразм вилояти-

нинг Тупроққалъа тумани ҳудудида ўтказилган саксовул экиш тадбири ҳам ана шу ҳайрли ишларнинг мантикий давомидир.

Тадбирда ўрмончилар, Экопартия аъзолари, Урганч давлат университетини ўқитувчилари ва талабалари, фаол фуқаролар иштирок этди. 2024 йилда тумanning чўл ҳудудида саксовул ўсимлигидан 10 минг гектар яшил қопламалар — ҳимоя ўрмонзорларини барпо қилиш белгиланган бўлиб, бу ишлар тезкорлик билан олиб бориляпти.

Асосан, 9800 гектар жойда саксовулнинг уруғи ва 200 гектариди кўчатини экиш бўйича саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

Тадбир доирасида чўл ўсимликлари, хусусан, саксовулнинг асосий хусусияти ва аҳамияти тўғрисида давра суҳбати уюштирилди. Унда саксовуллар сахро тупроғини шамоллардан пана қилиб, ҳудудлар чўллашувининг олдини олишда, сахро экотизимини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

— 2018 йил куз мавсумидан бошлаб, Орол денгизининг қуриган тубида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган кенг кўламли иш мана, бугун Қизилқум чўлига ҳам кўчди, — деди Ўзбекистон Экологик партияси Ижроия кўмитаси раисининг ёшлар ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш масалалари бўйича ўринбосари

Камол Жуманиёзов. — Партиямиз бу эзгу ташаббусни қўллаб-қувватлаган ҳолда олимларни жалб қилиб, илмий асосда амалга оширмоқда. Шу ўринда нима учун бу ишлар қишки мавсумда бошланяпти, деган савол туғилиши мумкин. Боиси айнан чўл ҳудудида ёнгингарчилик йил давомида 90 — 100 мм. тушадиган бўлса, унинг 80 — 90 фоизи январь ва февраль ойларига тўғри келади. Демак, саксовул уруғларини экиш учун қиш мавсуми мақбул муддат ҳисобланади.

Мутахассислар фикрига кўра, Оролнинг қуриган тубидан учган зарарли тузлар шамол орқали юртимизнинг бошқа ҳудудларига тарқаб, аҳоли саломатлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлари ривожига салбий таъсир ўтказмоқда. Экиладиган чўл ўсимликлари эса кум зарраларини ушлаб қолади ва экологик ҳамда фавқулод-



да ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, тумандаги экинзорлар қумдан муҳофазат қилинади, маданий ландшафтлар томон эсаётган шамол эрозиясининг зарарли таъсири камаяди. Чўлдаги кум

барханлари сирти яшил саксовуллар билан қопланиши ҳайвонот олами учун қулай экологик муҳит яратди, уларнинг генофонди сақлаб қолинади.

Ф. ХУДОЙБЕРДИЕВ («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 15 808 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезетанинг ҳақиқатда маълумотларини оқибат олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; **компьютер** 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

Таҳририятга келган қўлашлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезетанинг эътибор берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.

Гезетанинг таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Гезетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашіриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашіриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 19.02 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5 6